

## МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ:

# ҲАФТАЛИК – ҲИСОБОТ УЧУНГИНА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР МАЖМУАСИ ЭМАС!

Ҳар йили 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) ташаббуси билан белгиланган ушбу санада хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва меҳнат шaroитлари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, ҳар бир иш ўрни ортида инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи ва фаровонлиги туради.

Мазкур сана Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни глобал ҳамжихатлик, муҳокамалар ва амалий ечимлар платформасига айланади. Бу ечимлар меҳнатни хавф манбасидан барқарор ва муносиб ижтимоий тараққиёт пойдеворига айлантириши керак.

Мамлакатимизда ҳам ушбу кунга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан шу йилнинг 28 апрелидан 2 майгача меҳнатни муҳофаза қилиш ҳафталиги ўтказилади. Ҳафталик барча ҳудудлар ва халқ ҳўжалигининг асосий тармоқларини қамраб олган ҳолда ташкил этиляпти. Глобал технологиявий ўзгаришлар ҳамда уларнинг меҳнат фаолияти хавфсизлиги ва соғлиққа таъсири боис жорий йилда кампаниянинг марказий мавзуси «Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигида инқилоб: иш жойларида сунъий интеллект ҳамда рақамлаштиришнинг ўрни» дея белгиланган.

Кампания доирасида турли корхоналар, ташкилотлар, касба уюшма кўмиталари ва таълим муассасаларида давра суҳбатлари, семинарлар, фотокўргазмалар, соҳавий кўриқлар, дебатлар ва маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоси нафақат маънавий ва ижтимоий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам жиддий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. ХМТ улусо-сига кўра, ҳар йили дунё ялли ички маҳсулотининг деярли 4 фоизи шикастланишлар, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари туфайли йўқолади. Бу эса ёндашуларда туб ислохотлар амалга оширилиши кераклигини, формал меъёрий тартибда солишдан хавфсизлик маданиятини ривожлантиришга – хавф-хатарларни баҳолаш, илмий таҳлил ва технология ечимларга асосланган тизимга ўтиш зарурлигини аққол кўрсатиб турибди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тизимининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири – касбий хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва минималлаштиришдан иборат. Хавфларни баҳолаш деганда, меҳнат фаолияти жараёнида пайдо бўладиган хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг аҳамияти ва ноҳуш оқибатлар юз бериши эҳтимолини белгилаш тушунилади. Бу фақат содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни қайд этишигина эмас, балки уларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ҳамдир.

Ўзбекистонда мазкур йўналиш Вазирлар Маҳкамаси 2014 йил 15 сентябрда қабул қилган 263-қарор билан тартибга солинади. Унга мувофиқ, иш жойларидаги меҳнат шaroитлари ва усуналарнинг жароҳат етказиш хавфи доимий равишда аттестациядан ўтказиб турилади.

Аттестация – меҳнат шaroитларини, меҳнат жараёни оғирлиги ва руҳий зўриқиш даражасини баҳолаш, ишлаб чиқаришда мавжуд зарарли ва хавфли омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг давлат томонидан белгиланган талабларга мослигини таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуасидир. Аттестация меҳнат шaroитлари номақбул, зарарли ёки хавфли деб топилган барча ташкилотларда, шунингдек, ноғиронлиги бор шахслар меҳнат қиладиган ёки имтиёзлар белгиланган иш жойларида мажбурий ҳисобланади. Шунингдек, аттестация корхона раҳбари ташаббуси билан ҳам ўтказилиши мумкин ва бу фуқароларнинг Конституцияси билан кафолатланган хавфсиз меҳнат шaroитларига бўлган ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, кўпбал корхоналарнинг жамоа шартномаларига меҳнат шaroитларини ях-

шилаш бўйича тадбирлар ҳам киритилган. Қопарверса, меҳнатни муҳофаза қилишга оид алоҳида келишувлар ҳам тузилади. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 31-моддаси асосида мулкчилик шакли ва фаолият соҳасидан қатъи назар, барча корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши бўйича жамоатчилик назорати амалга оширилади.

Жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли шахслар сайланади ва улар бу йўналишдаги вазифаларини бажаришлари учун ҳафта-сига камида икки соат иш вақти ажратилади ҳамда иш ҳақи сақлаб қолинади.

Касба уюшмалари кўмиталари, ходимлар вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ваколатли шахслар иш берувчилардан меҳнат шaroитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маълумотларни олиш, бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ суриштирувларда иштирок этиш, ҳаёт ва соғлиқ учун хавф туғилганда ишларни тўхтатиш юзасидан тақлифлар киритиш, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувларида кўзда тутилган иш берувчилар мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш ваколатига эга.

Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилишнинг қонуний асосларини Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун, соҳавий қондалар ва йўриқнома, техник регламентлар, миллий стандартлар, санитария меъёрлари ва қоидалари, қарор ва буйруқлар ташкил этиди. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат эса, табиийки, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шaroитлари масалаларини ҳам белгилаб берувчи Меҳнат кодексидир.

Бугунги кунда рақамлаштириш, сунъий интеллект ва автоматлаштириш ишлаб чиқариш жараёнларининг ажралмас қисмига айланмоқда. Бу йил ўтказиладиган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳафталиги» доирасида янги технологияларга – интеллектуал бошқарув тизимлари, экзоскелетлар, виртуал реаллик, нарсалар интернет, учувчисиз платформалар ва катта маълумотлар таҳли-лига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, масофавий, гибрид ва платформага асосланган иш турлари билан боғлиқ янги меҳнат форматлари ҳам муҳокама этилмоқда. Зеро, меҳнатнинг табиати жиддий ўзгаришларга учраётган бугунги кунда меҳнатни муҳофаза қилиш тизими ҳам ушбу ўзгаришларга мослашиши зарур.

Ўзбекистонда Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳафталиги – ҳисобот учунгина ўтказиладиган тадбирлар мажмуаси эмас, балки давлат, касба уюшмалари, иш берувчилар ва ишчилар ўртасидаги мулоқот учун мазмунли ва жонли платформа ҳисобланади. Бу ёндашуларни қайта кўриб чиқиш, профилактика воситаларини кенгайтириш ва энг муҳими, инсонни, унинг ҳуқуқлари, соғлиғи ва хавфсизлигини барча иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнлари марказига қўйиш имкониятидир.

Шиддат билан кечаётган рақамли трансформация шaroитида, технологиялар меҳнат табиатига таъсир кўрсатаётган бир пайтда, унинг инсоний ўлчовларини йўқотиб қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатни муҳофаза қилиш маданияти корпоратив этика, давлат сиёсати ва кундалик ишлаб чиқариш амалиётининг бир қисмига айланиши керак. Шундангина меҳнат синов эмас, балки кадр-қиммат, тараққиёт ва хавфсиз ҳаёт манбаига айланади.

**Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси  
аппаратининг Меҳнатни муҳофаза  
қилиш бўлими мудири



## ФАКТ

РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 25 АПРЕЛЬ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, 36 856 ТАСИДА (99,5 %) МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ЎТКАЗИЛДИ.

## КАСАБА УЮШМАСИ КўМИТАСИ РАИСИ КИМ?

Бир қарашда жуда жўн савол. Жавоби ҳам унчалик мураккаб эмас. Чунки бу ҳақда кўпчилик умумий хулоса бера олади. Бироқ бу вазифа ортида залворли, заҳматли масъулият туришини ҳамма ҳам билвермайди.

Бизнинг иш тартибимиз бор. Яъни соатимиз белгиланган, вазифамиз аниқ. Аммо касба уюшмаси кўмитаси раисининг олдида ўзимиз хоҳлаган вақтда киришимиз, муаммоларимиз ва тақлифларимизни айтишимиз мумкин. Бу лавозим эгасининг вазифалари ҳам турфа. Бирда шифокор бўлиб, кимнингдир дардига малҳам бўлишга интилади, бошқа бир ҳолатда юрист сифатида ҳуқуқий ёрдамга келади. Қандай бўлмасин, бизни ўйлантираётган муаммоларга ечим топади, йўл-йўриқ кўрсатади, ўзимиз қолиб, оила аъзоларимиз учун ҳам қайғуради. Қўйинги, унинг гарданга юклатилган юмушларнинг сон-саногини ва адоғи йўқ; дардқаш, елкадош, ҳамфикр...

Ана шу боис февраль ойидан буён касба уюшмалари ташкилотлари тизимида ўтказиб келинаётган ҳисобот-сайловларда шундай етакчиларнинг аксариятига қайта ишонч билдирилди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида бўлиб ўтган йиғилишда эса дастлаб Федерация аппаратининг 2023-2026 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг 2024 йилда бажарилиши яқунлари тўғри-



сидаги масала кўриб чиқилди. Таъкидланишича, ушбу ҳўж-жатнинг мамлакатимизда инсон кадрини юксалтириш бо-расида Президентимиз бошчи-лигида амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг бўл-ган бандлари ўтган йили тў-лиқ бажарилди. Ходимларнинг ижтимоий ҳўмоясини, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни кў-лаб-қувватлаш асосий эъти-борда бўлди.

Йиғилиш кун тартибига кўра, Федерация аппарати ка-ри-саба уюшмаси ташкилотининг беш йиллик фаолияти тўғри-сидаги ҳисобот тингланди.

Айтиш лозимки, бу даврда Федерация эришган энг катта ютуқлардан бири Президен-тимизнинг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултой иштирокчиларига

йўллаган табригида илгари су-рилган ташаббуслар амалга оширилгани бўлди. Жумладан, 11 ноябрь – «Ўзбекистон касба уюшмалари куни» этиб белги-лангани, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси таш-кил этилгани шулар жумласи-дандир.

«Касба уюшмалари тўғри-сида»ги қонунда белгиланган ваколатлардан келиб чиқиб, Меҳнат инспекцияси фаолият-ти тикланиши ишчи-ходим-ларнинг ҳуқуқ ва манфаатла-рини ҳўмоясини таъминлашга қаратилган яхшилаш, улар-нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳўмоясини қилиш билан бирга, иш самардорлигини оширишга ҳам хизмат қилаётгани эъти-роф этилди.

Гулрухбегим ОДАШБЕОВА  
«ISHONCH»

■ ХИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Транспорт вазирлигида касаба уюшмаси кўмитаси тузилганига энди беш йил бўлди. Бир қарашда у қадар кўп вақт эмас. Аммо мана шу қисқа давр мобайнида ташкилотда салмоқли ишлар бажарилди. Бунда, албатта, касаба уюшмаси раисининг роли катта.

Ҳар ҳолда иш берувчининг кўнглига йўл топиш, муроса қилиб, ходимлар манфаатларига хизмат қилиши, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Аъзолар ишончи мана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида қозонилади. Ишонч билдирилганлар эса ҳаммиша эъзозда бўлишади. Вазирликнинг амалдаги касаба уюшмаси кўмитаси раиси Фикрат Норхўжаев айнан шу тоифадаги раҳбарлардан. Бу галли ҳисобот-сайловда ҳам ходимлар бир овоздан унга юксак ишонч билдиришгани сўзимиз тасдиғидир.

Айни пайтда вазирлик касаба уюшмаси кўмитаси ўз тарихига 1 615 нафар аъзони бирлаштирган. Утган давр мобайнида турли йўналишлар бўйича ходимлардан 1 685 та арiza келиб тушган. Касаба уюшмаси кўмитаси раиси ҳар бир мурожаатга алоҳида масъулият билан ёндашиши натижасида ҳаммаси тегишли тартибда ижобий ҳал этилган.

Ҳисобот-сайлов конференциясида кун тартибидagi муҳим масалалар муҳокама қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Амир АҲМЕДОВ

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда 47 нафар делегат ва бошқа таклиф этилганлар қатнашди. Ҳисобот маърузалари тинглангач, кун тартибидagi барча масалалар босқичма-босқич муҳокама этилди.

ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Касаба уюшмаси кўмитаси раислигига сайлов яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Делегатларнинг кўпчилик овози билан университет касаба уюшмаси кўмитаси раиси этиб Хайрулла Зикриллаев сайланди.

Конференцияда келгусида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бўйича қатор таклифлар билдирилди.

Абдуҳалил РАҲМОНОВ, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси



МУНОСИБ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИЛДИ

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги «Birinchii rezinotexnika zavodi» МЧЖ ХК касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди. Унда ишлаб чиқариш цехларидан сайланган делегатлар, шунингдек, корхона бош директори Фуломжон Ибрагимов, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Нигора Алимжанова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси Сайёра Файзиева иштирок этишди.

Дастлаб 2020-2025 йилларда олиб борилган фаолият юзасидан иш берувчи, касаба уюшмаси кўмитаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари муҳокама қилиниб, делегатлар томонидан касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳоланди ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

Сунгра кун тартибига кўра, ташкилий масала кўрилди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда касаба уюшмаси кўмитаси раислигига Диёр Алимов сайланди. Шунингдек, касаба уюшмаси кўмитаси, тафтиш комиссияси аъзолари, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг IV Қурултойига

ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашининг IX конференциясига делегатлар сайланди.

Билдирилган таклифлар иноватга олинган ҳолда келгусидаги фаолият юзасидан устувор вазифалар белгилаб олинган конференцияда сўзга чиққанлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалга ошириладиган ишлар, касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шавкат ТОИРОВ, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

БОБОЕВ ИШОНЧНИ ЙЎҚОТМАБДИ

Халқаро инвестиция иштирокидаги «Индорама Агро» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияси корхонада касаба уюшмаси кўмитасининг аҳамиятини кўрсатиб берди.

Дастлаб касаба уюшмаси ташкилотининг ўтган йили жамоа шартномаси бўйича амалга оширган ишлари кўриб чиқилди. Сўнгра ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилиб, унда 1500 нафардан зиёд аъзоларнинг 48 нафари делегат сифатида иштирок этди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда уч нафар номзод орасидан амалдаги раис Авазмурод Бобоев яна беш йилга корхона касаба уюшмаси кўмитаси раислигига сайланди. Шунингдек, кўмита таркибини беш кишидан етти кишига ўзгартириш бўйича таклифлар бир овоздан маъқулланди.

— Ишчилар манфаати ҳимоя қилинган корхона-ташкilotда ривожланиш бўлади, — дейди Авазмурод Бобоев. — Биз ҳам баҳоли қудрат ваколатимиз доирасида иш олиб бордик. Ходимларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, муносиб дам олишларини таъминлаш борасида сезиларли натижаларга эришдик. Ҳеч бир ходимни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилдик. Спорт-соғломлаштириш тадбирларининг изчил тарзда ўтказилиши йўлга қўйилди. Бир гуруҳ ишчилар ҳар йили санаторийларда соғлигини тиклаб келишмоқда, уларнинг болалари учун оромгоҳларга йўланмалар берилляпти. Энг муҳими, иш берувчи ва ходим ўртасидаги зиддиятлар қонун доирасида ечим топишига эришилмоқда.

— Тармоғимизда 118 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бор, — дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти бирлашган кўмитаси раиси Илҳом Омонов. — Умумий аъзоларимиз сони 42 минг 312 нафарни ташкил этади. Табиийки, ҳар беш йилда ўтказиладиган ҳисобот-сайловлар ишчи-ходим ҳаётида муҳим ўрин тутди. Буни бугунги шаффоф тарзда ўтказилган конференцияда ҳам кўриш мумкин. Тармоғимиздаги барча бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларида ҳам сайловлар белгиланган тартибда ўтказилиб, раислар аъзоларнинг хоҳиш-иродасига кўра сайланмоқда.

Айни пайтда Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти бирлашган кўмитаси таркибидagi 118 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотиди ҳисобот-сайловлари яқунланди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

■ 1211 ЭШИТАДИ

ШОҲИСТАГА ИШ КЕРАК!

Норин туманида яшовчи Шоҳиста Ибрагимованин (исм-фамилия ўзгартирилган) бахти ўхшамади. Биринчи турмуш ўртоғи билан ажрашгандан сўнг ишлаш учун Россияга кетди. Мусофир юрда бир хоразмлик йигит билан танишиб, оила қурди. Бир-биридан ширин уч нафар ўғилнинг онаси бўлди. Лекин қувончи узокқа чўзилмади. Эри суьга чўккандай йўқ бўлди-қолди. Орадан 9 йил ўтса ҳамки, унинг на тиригидан, на ўлигидан хабар бўлди. Уч нафар фарзанди билан ёлғиз қолган онанинг бошига қандай кунлар тушмади, дейсиз... Тунда бошини тошдай ботадиған ёстиққа қўйса, эртага болаларимга нимани едираман, нимани кийдираман деган ташвишлар кўзига уйқу бермасди.

Шукри, ана шундай қалтис бир вазиятда давлат томонидан имтиёзли кредит асосида 3 хонали уй берилди. Анча вақтгача тўловлари ҳам давлат томонидан тўланди.

— Болаларим учун оғир меҳнатдан қочмайман. Ошхонада идиш-товоқ юваман, одамларнинг уйларини су-пуриб-сидираман. Кунлар исичи билан дала юмушларини бажариб, болаларимнинг ризқини ҳалоо меҳнатим билан топаман. Лекин ёлғиз аёлнинг ҳам оналик, ҳам оталик вазифасини ўташи жуда мушкул бўларкан. Бир товۇққа ҳам дон керак, ҳам сув, деганларидай...

Кейинги пайтлар уй-жойнинг кредит тўловини тўлаш Шоҳиста учун муаммо бўлиб қолди. Бормаган жойи, бош урмаган идораси қолмади. Осмон узок, ер қаттиқ. Қани энди, пул топила қолса...

Узоқ вақт югуриб-елишлардан чарчагач, яхши одамларнинг тавсиясига кўра, умид билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошида ташкил этилган хотин-қизлар муаммолари бўйича «Ишонч телефони»га сим қокди. Мутасаддилар унинг оилавий аҳолини атрофлича ўрганишди. «Аёллар дафтари»нинг 6-босқич 3-тоифасига киритиб, хонадонининг бир ойлик тўлови учун «Саховат ва кўмак» жамғармасидан 1 миллион 600 минг сўм моддий ёрдам ажратилишига бош-қош бўлишди.

— Кенжа фарзандим 2-синфда ўқийди. Уни эрталаб мактабга олиб бориб, кечкурун яна олиб келишим керак. Шунинг учун бирор корхонада ишлаш олмайман, — дейди ёлғизланиб қолган она. — Ўғилларим улғайиб, эл қаторига қўшилса, бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетаман, деган умидда яшайман.

Бугун давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатини ва яхши инсонларнинг меҳр-оқибатини ҳис қилиб яшаётган уч нафар ўғил ҳам жамиятимизга керакли инсонлар бўлиб воьга етишларига шубҳа йўқ. Лекин унганча Шоҳистахонга доимий иш керак!.. Балиқ берма, қармоқ бер, деганларидек, масъуллар бу борада жиддийроқ ўйлаб кўришса ва унга доимий иш топиб беришса, айни мудао бўларди.

Анваржон ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

■ ТАҲЛИЛ



«УЧ ТОМОНЛАМА КОМИССИЯ» ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашида Худудий жамоа келишувининг 2024 йилда бажарилиши бўйича «Уч томонлама комиссия»нинг илк йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари вакиллари, Савдо-саноат палатасининг вилоят худудий бошқармаси, Федерациянинг вилоят кенгаши раҳбарияти ва бўлим мудирлари, тармоқ кенгашлари, бирлашган кўмиталар раислари, вилоят бўйича масъул ташкилотчилар ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидланишича, 2023 йил 3 июль куни тузилган Тошкент вилоятининг Ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йиллар учун Худудий жамоа келишуви асосида ҳар йили «Уч томонлама комиссия» томонидан бажарилган ишлар муҳокама қилиниши белгилаб олинган.

— Бош жамоа келишувининг ўтган йилдаги ижроси бўйича ижтимоий шериклар томонидан тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида аксарият ҳамкорларнинг маълумотлари тўлиқ ва сифатли эканлиги аниқланди, — дейди Федерациянинг вилоят кенгаши раиси Уринбосари Ўткир Рашидов. — Шу билан бирга, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш учун баъзи ижтимоий шериклар маълумотларини умумлаштиришда кечикишлар кузатилди. Масалан, Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси томонидан маълумотлар вақтида тақдим этилмади.

Йиғилишда ҳамкор ташкилотлар вакиллари Худудий жамоа келишувида белгиланган мақсад-вазифаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб бориладиган ишлар тўғрисида ҳисоботлари тингланиб, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Бундай муҳокамалар белгиланган вазифалар самарасини ошириши айтиб ўтилди.

Зеро, ҳар бир ташкилот ва муассасада ишлаётган инсонларнинг саломатлиги ва хавфсизлиги ҳар нарсдан устундир!

Нурсултон БЕКТОШЕВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудир

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРМИЗ

СОБИҚ ХОТИНИМНИ СУДГА БЕРМОҚЧИМАН...

САВОЛ: Хотиним билан ажрашганман. 11 яшар фарзандим мен билан қолган. Унинг парвариши учун хотиним ҳар ой маълум миқдорда пул бериб турарди. Лекин бошқага турмушга чиққач, пул жўнатмай қўйди. Ундан алимент ундириш учун судга мурожаат қилсам бўладими ёки бунга фақат аёллар ҳақлими?

Ботир МАНСУРОВ Самарқанд шахри

ЖАВОБ: Алимент — бу ота (ёки она) томонидан воьга етмаган болаларнинг таъминоти (онасига ёки отасига эмас) учун бериладиган пул ёки бошқа қўринишдаги мулкий тўловдир. Демак, оила ажрашган тақдирда ҳам ота-оналар воьга етмаган, баьогатга етган, аммо меҳнатга лаёқатсиз, парваришга муҳтож фарзандлари учун масъул ва уларнинг бола олдиди мажбурияти тенгдир. Алимент миқдори тўловчи тарафнинг ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади. Агар у ҳеч қаерда ишламаса, бошқа даромадига йўналтирилиши мумкин.

Қонунчиликка биноан, сиз худудингиздаги суд органига мурожаат қилиб, собиқ аёлнингиздан фарзандингиз учун алимент ундиришга тўла ҳақлисиз.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

■ БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

АКАДЕМИЯ ТАЛАБАЛАРИ МЕҲР УЛАШМОҚДАЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги муносабати билан Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси «Меҳр улашиб» лойиҳасига қўл урди. Утган вақт давомида жамоа вакиллари ногиронлиги бўлган фарзандлари бор оилаларга ташриф буюриб, озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, дори-дармонлар ва бошқа зарур буюм-жўхўзлар улашмоқдалар. Эҳтиёмжанд талабаларга моддий кўмак бериляпти. Ташриф чоғида аҳолининг мамнунлигини кўриб ёшларнинг кўнгли шод бўляпти.

Лойиҳадан мақсад йигит-қизларни атрофдагиларга меҳр-мурувватли бўлишга ўргатиш, қолаверса, имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, барча учун очиқ ва дўстона бўлган жамиятни шакллантириш, уларда ёшларнинг иштирокини таъминлашдан иборатдир. Тадбирлар кўтаринки руҳда давом этмоқда.

Дурдона СИДДИҚОВА, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ёшлар масалалари бўйича маънавий-маърифий ишлар бўлими масъул ходими

■ ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ...

# ПАНГАТ ҚАЧОН РОСМАНАСИГА ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИГА АЙЛанади?

Инсоният ёввойи, жиловлаб бўлмас, дея таърифланган табиатни эгиб, бўғиб, синдириб ўз измига солди, уни ҳаддан зиёд топтади. Энди эса унинг бағрига интиллири минг чандон кучайди. «Йўқолган пичоқнинг сопи олтин!» деганларидек, бугун қуриб қолган ариқлар ва сойлар, тобора камайиб бораётган булоқ-чашмалар афсус ила тилга олинади. Улар қаторида Қўшработ туманининг қоқ ўртасидан кесиб ўтган Пангатсой ҳам кўп эсланади. Бир замонлар унинг сувлари кўнламда ҳайқириб оқар, то саратонгача далаларга ҳаёт бағишлар, одамларга ризқ-насиба улашарди. Оқтоғ эстагидаги халқ «дўнқиллак» деб атайдиган адирликлар оша Иштихон туманига ёндош Оқтепа қишлоғининг боғ-роғга бурканишида ҳам Пангат булоқларининг катта ҳиссаси бор.

— Глобал иқлим ўзгаришлари таъсири даштли, лалмикор ҳудудларда яққол сезила бошлади, — дейди меҳнат фахрийси Камолитдин Саидов. — Кейинги йилларда ёгингарчиликлар камайгани туфайли Пангатсойда сел тошқинлари кўп кузатилмапти. Эҳтимол, қаерлардадир сел офат ҳисобланар, аммо бу ҳудудда унинг рўй бериши одамларга мамнулик улашарди. Кўнлам чоғи сойда сув тўлиб оқса, йил яхши келиши, айниқса, чорвачилик учун баракали бўлиши башорат қилинади...



## ТАБИАТДАН ТАРОВАТ ОЛГАН ҚИШЛОҚ

Пангат Нурота тоғ тизмаси чўққиларига туш таш қишлоқ. Машойихлар табиати гўзал-фусункор бу гўшага «Кўкда жаннат, ерда Пангат» деган таърифни бежиз беришмаган. У уч асрдан ортиқ тарихга эга бўлиб, географик жойлашуви нуқтани назаридан ҳам, ўтмишда 82 нафар авлиё ашаган макон сифатида ҳам кишиларни ўзига жалб этиб келади.

Ҳудуддаги тўрт юз йиллик «Ғайбота Қўрғон» жоме масжиди мусулмон аҳлининг фахри саналган. У азал-азалдан тоғлик аҳолига илму урфон эшигини очиб, диний ва дунёвий фанлардан сабоқ берувчи мадраса вази фасини ўтаган. Қишлоқда ҳар қарч ер ҳисобли. Отамакон дёёрни улуғлаган пангатиликлар кўш кунинг маълум вақтларидagina мўралайдиган адирнинг ҳар қарчинини ўзлари учун азиз билишган. Сойбўйи флораси ва фаунасини сақлаган ҳолда, адирлар ва харсанглар теғрасида маконлар барпо этишган. Шогол қишлоғида яшовчи қўшдан ошган Ёқуб Ибрагимов ҳовлисида қайроқтошдан қурилган супалар кишини ажиб ҳайратларга солади.

— Болалигимиз бутун Нурота ва Қўшработ музофотини кўз билан баралла кўриш мумкин бўлган даражада баланд Қушхона, Ғавхона ва Божигон чўққилари атрофидан ўтган, — дея хотирлайди отахон. — Энди бу тоғлардан ном қоялти, холос. Ёввойи табиат орта батамом чекинди. Уша кезлар дара ва унғирларда одамлар ва хайвонлар ўтиши қийин бўлган тўқайлар, чакаласзорлар бор эди. Адирларимизда бўрилар ва кўнғир айиқлар ҳам учрарди. Энди эса, уларни кўрмайсиз...

## БИР ЎЛКАКИ, САЛ КЎРМАСА, КЎШ СОҒИНАР...

Биз Пангатта изланувчан қаламқаш, устоз муаллим, ушбу қишлоқ ҳақида тарихий-этнографик рисола ёзган Туроббой Ҳайитовдан ўтказиб таъриф беролмаймиз. Қратовдаги 666 та катта-кичик дара, сой ва жилгалардаги булоқлар бошини қовуштирган иккита сой маҳалла маркази Қўрғонда бирлашиб мавсумий дарё ҳосил қилади ва пастга — Шова қишлоғи томон шўнғийди. Муаллиф тоғдаги дарахт, бутта, ёввойи бодом ва шу ҳудудда унучи 1500 дан зиёд бошқа наботот турларига етарлича баҳо берган. Эътиборли жиҳати, Пангат тоғлари ҳудуди ҳам ЮНЕСКОнинг Фозилмон чўққилари атрофидан бошланувчи Нурота — Қизилқум резерватига киритилиб, у ердаги биохилма-хилликни сақлашга, экотуризмни ривожлантиришга асос бўлапти.

— Шова қишлоғидан Пангат маркази Қўрғон қишлоғигача ҳамда ўша икки сой бўйида ясланган даралар қирғоқларидан то тўғ чўққилари

этакларигача бўлган оралиқда 600 дан зиёд хонадон мавжуд, — дейди «Пангат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Тўлаганов. — Аҳолининг асосий тирикчилиги чорвачилик ва боғдорчиликдан. Чунки ер рельефи деҳқончиликка унчалик мос эмас. Ҳудудда оилавий шифокорлик пункти, иккита мактаб ва мактабгача таълим муассасаси фаолият юритади.


Пангатнинг сўлим табиати ва шифобахш булоқлари сувига интиқ бўлувчилар кўп. Президентимизнинг ички туризмни ривожлантириш ташаббуси бу борада қишлоқ аҳлига кўп келди. Айни чоғда 30 дан ортиқ тадбиркор дам олиш масканлари очиб, табиат шайдоларига, ички йўналишдаги сайёҳ ва дам олувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Бу жиҳатдан ёш ишбилармон Ваҳобжон Дўсатовнинг интилишлари эътирофга лойиқ. У, салкам ўн йилдирки, Пангатда туризмни ривожлантириш учун ҳаракат қиляпти. Шу чоққача елиб-югуриб 20 тадан ортиқ мавсумий дам олиш маскани, 2 та оромгоҳ ишга туширди. Комил Элбоев, Дониёр Болиқулов, Садриддин Қаршиқулов ҳам шундай ошёнлар барпо этишга эришди. Уларнинг таъкидлашларича, маҳаллада туризм истиқболини таъминлаш учун шароитлар етарли. Табиати нафақат кўнлам ва ёз, балки қиш қилласида ҳам гўзал. Адирларга қор қалинроқ ёгса, чанғида учини йўлга қўйиш мумкин бўлади.

Ҳа, айтганча, Пангат заминида ўсадиган гиёҳларни териб олиб, қуришти ва қадоқлаш, экспорт қилиш, сой сувини қир-адирлар ёнбағрига чиқариб, боғлар яратиш захиралари ҳали ишга солинмаган. Ҳудуддаги барча ишлар тадбиркорлар сазъ-ҳаракати билан амалга оширилмоқда, бироқ янада каттароқ юмушларни удалаш учун уларнинг кўли калталик қилмоқда.

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ҚАЧОН РЎЁБГА ЧИҚАДИ?

Жорий йилда Ургут туманидаги Омонқўтон, Нурободдаги Нурбулоқ ва Оқсой қишлоқлари қатори Пангатта ҳам «Туризм қишлоғи» мақоми берилди. Ушбу мақомага кўра, 7 та йўналиш бўйича туризм хизматлари йўлга қўйилиши белгиланган. Умумий қиймати 2,1 триллион сўмлик 30 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 3 митдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Бундай қарорга келинганга олти ой бўлди. Шу боис биз Пангатдаги ўзгаришларга бир қур назар ташладик. Унинг марказидан кейинги қишлоқлардаги айрим йўллар шағаллаштирилганини ҳисобга олганда, тайинли ўзгаришларни кўрмадик. Боиси туризм йўналишида



фаолият юритаётган тадбиркорлар бошини қовуштириб, уларнинг ишларини лойиҳалаштирадиган, фаолиятини умумлаштирадиган, зарурат сезилганда, кредит маблағи ажратилишига бош-қош бўладиган киши ёки ташкилот йўқ.

— Пангатда бир бор бўлган одам унга яна келиш орзуси билан яшайди, — дейди Фарҳод Муҳиддинов исм-шарифли меҳмон. — Мен ҳар йили шу ерда дам оламан. Тўғриси, тадбиркорлар томонидан соя-салқинга ўрнатилган тўртта сўри, қозон ва ўчоқдан иборат комплекс — бу туризм эмас. Ҳалигача Пангатнинг бор буй-басти билан кўрсатадиган бирор иш қилинмаган. Кўпчилик табиат маликасига менгзайдиган Қисмоқ



дарасига олиб борадиган йўлдан юриб бўлмади. Туризм қишлоғи мақоми эпкинлари Пангатга етиб келганини ҳис этмадик.

Бу гаплар бизга бир пайтлар вилоят туризми раҳбари бўлган шахс сўзлаб берган воқеани эслатди. «Чехия бўйлаб туристик сафарда бўлдик, — дея хикоя қилганди у. — Режада шахзода Иван ва Василисанинг муҳаббати ҳамда фожиали тақдирига шожид бўлган чўққига саёхат ҳам белгиланган экан. Автобусда салкам 400 километрик йўл босдик. Тоққа пиеда кўтарилиб, бир харсанг қаршисида тўхтадик. Йўлбошчининг айтишича, ёв қўлига тириклайин тушмаслик учун Иван ва Василиса ана шу харсанг тепасидан ўзларини пастга ташлашган экан. Бу чўпчак аксариятнинг ҳафласини пир қилди. Аммо дарага тушгач, сафар сирини англадик. Пастдаги туристлар учун қилинган манзарали жойдан чиқиб кетишни истамай қолдик. Бир ёнда тоғ, адирлар, чўмилиш ҳавзалари, хуллас, инсон дили баҳра олади-диган муъжизанинг барчаси муҳайё этилган. Мутахассис сифатида англаганим шу бўлдики, асосий мақсад бу манзилда сайёҳларни бир кун бўлса-да, олиб қолиб, сафар давомийлигини чўзишдан иборат. Ҳалоллари бўлсин, улар бунинг улдасидан чиқийаппти.

Дарвоқе, Самарқанддан Нуротага кунда-кунора юзлаб хорижий ва маҳаллий туристлар боришади. Аммо ҳамон йўлнинг шундоққина бўйида жойлашган Пангат қишлоғи имкониятларидан фойдаланиш ҳақида жўяйи тақлиф бўлгани йўқ. Қисмоқдаги шаршара, Божигон ва атрофдаги чўққилар тўғрисида айтар гапимиз йўқ. Агар бу ҳудудда шароит яратилса, Пангат табиати ҳам ҳар қандай кишини бир кунга олиб қолишга қодир бўлади. Бунинг учун чайла эмас, замонавий меҳмонхона, равон йўллар қурилиши, сифатли сервис хизматлари тизими яратилиши лозим.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

■ ШАРҲ

# ЁЛҒОН СОЯСИДА ЭМАС, ҲАҚИҚАТ НУРИ ОСТИДА

айбга иқрорлик тўғрисида келишувнинг кучи

Ҳуқуқ тизими такомиллашётган айни паллада жиноий жавобгарликни энгиллаштириш, айбдорни ижтимоий ҳаётга қайта интеграция қилишга қаратилган механизмлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, жиноятга қўл урган шахсни фақат жазолаш эмас, балки у орқали жамиятда ижобий натижага эришиш йўлидан бораётганимиз таҳсинга лойиқ.

Айтиш мумкинки, жиноят-процессуал қонунчилигида жорий этилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти жиноят ишларини соддалаштириш ва адолатни таъминлаш борасида дадил қадам бўлди. Эндилқда гумонланувчи ўз айбини тан олса, терговга кўмаклашса, етказилган моддий зарарни қопласа, унга

нисбатан энгил жазо тайинланмоқда. Албатта, келишувга эришиш жараёнида химоячининг иштироки мажбурийлиги, тарафларнинг розилиги ва процессуал ҳуқуқларга қатъий риоя қилиниши бу институт янада ишончли ва адолатли бўлишини таъминлайди.

Жиноят кодексининг 572-моддасида белгиланишича, бундай келишув асосида тайинланадиган жазо тури қонунда кўзда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак. Натижада судда энгилроқ жазо тайинланади, узоқ давом этадиган дастлабки тергов ва суд жараёнлари қисқаради.

Халқаро тажрибада, хусусан, АҚШда федерал суд ишларининг 95 фоизи, Буюк Британияда магистрат суд ишларининг 87 фоизи айбга иқрорлик келишувига асосида ҳал этилади. Бу, ўз навбатида, суд тизими самарадорлигини оширади ва ресурсларни тежайди.

Маъмур институтнинг жорий этилиши, жиноят-процессуал қо

нунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришда ва инсон ҳуқуқларини химоя қилишда жуда кўп келади. Келишув жабрланувчининг розилиги ва зарар қоплангани инобатга олинган ҳолда тузилади. Бу адолатли ва инсонпарвар ёндашув саналади.

Сирасини айтганда, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти жиноят ишларини соддалаштириш, адолатни тез ва самарали таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини химоя қилишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Шаҳбоз МУРТАЗАЕВ,  
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси талабаси

■ ШАХСИЙ ФИКР

# НИМА УЧУН ТИЛ ЎРГАНМИЗ?

Бугунги глобаллашув даврида чет тилларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Замонавий дунёда муваффақиятга эришиш, яхши иш топиш, хорижда таҳсил олиш ёки халқаро миқёсда мулоқот қилиш учун чет тилларини билиш зарур бўлиб қолди. Айниқса, инглиз, рус, корей, турк ва бошқа тилларга бўлган қизиқиш ёшлар орасида тобора кучайиб бормоқда.

Зеро, тил ўрганиш билим олишнинг янги даражасидир. Тил орқали нафақат сўзлашиш, балки ўша халқнинг маданияти, тарихи, турмуш тарзи билан танишиш мумкин. Бу эса ёшлар дунёқарашини кенгайтиради, уларни фикрлашга, таҳлил қилишга ва бошқалар билан қиёслашга ўргатади.

Тил билган ёшлар учун бугун имкониятлар эшиги очик. Чет тилларини билганлар хориждаги олий ўқув юрларида ўқишлари, грант дастурларида қатнашишлари, халқаро компанияларда ишлашлари мумкин.

Қолаверса, тил ўрганиш кишини интилувчан, меҳнатсевар ва сабрли бўлишга ўргатади. Ҳар бир янги сўз, грамматик қоидалар, мулоқот машқлари уни изланишга ва ўз устида ишлашга ундайди. Бу ҳаётнинг барча соҳаларида фойда беради.

Шунингдек, интернет, ижтимоий тармоқлар ва халқаро ахборот воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш ҳам тил билиш билан чамбарчас боғлиқ. Кўплаб билимлар, замонавий технологиялар ҳақидаги маълумотлар айнан чет тилларида тақдим этилади.

## ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ ИМКОНИЯТЛАРИ

Кўплаб талабалар чет тилини ўрганиш орқали хорижий олий ўқув юрларига кириш имкониятига эга бўлишяпти. Халқаро грант ва стипендияларга ариза топшириб, дунёнинг нуфузли университетларида ўқишяпти.

Чет тилини билган талабалар хорижий адабиётлардан, мақола ва илмий манбалардан эркин фойдаланишади. Бу уларнинг билим доирасини кенгайтиради, илмий изланишларида ёрдам беради.

Дипломнинг халқаро қиймати. Хорижий университетлар дипломи кўплаб ривожланган мамлакатларда тан олинади. Бу эса талабалар учун глобал миқёсда иш топиш имкониятини оширади.

Янги маданиятни ўрганиш. Чет элда ўқиш маданий алмашинуви таъминлайди. Талабалар бошқа халқларнинг турмуш тарзини, қадриятларини ўрганиб, дунёқарашларини бойитадилар.

Мустақиллик ва тажриба. Янги муҳитда яшаш талабаларни мустақил бўлиш, муаммоларни ҳал қилиш ва ҳаётий тажриба орттиришга ўргатади.

## ИШГА ЖОЙЛАШИШ

Бугунги меҳнат бозорида рақобат кучли. Чет тилини билганлар ўқим давридаёқ турли компанияларда амалиёт ўташлари ёки онлайн ишлаш орқали тажриба орттиришлари мумкин. Тил билиш иш берувчилар учун катта устунлик ҳисобланади.

## ТИЛ МАРКАЗЛАРИ

Бугунги кунда юртимизда кўплаб хусусий ва давлат тил марказлари фаолият юритмоқда.

Улар талай қўлайликларга эга. *Тизимли таълим.* Дарслар махсус дастур асосида олиб борилади, босқичма-босқич ўргатилади.

*Малакали ўқитувчилар.* Кўпчилик марказларда тажрибали устозлар ёки хатто чет эллик ўқитувчилар дарс ўтадилар.

*Амалий машғулотлар.* Сўзлашув, эшитиш, ёзиш ва ўқиш бўйича кўникмаларни яхшилашга катта эътибор қаратилади.

## ТИЛ МАРКАЗИНИ ТАНЛАШДА АЛДНИНГ ҚОЛМАСЛИК УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

*Лицензияси борлигини текширин.* Расмий фаолият юритаётган марказлар таълим лицензиясига эга бўлади. *Ўқитувчиларнинг малакасини сўраш.* Тажрибали, сертификати бор устозлар билан дарс олиб борадиган марказлар ишончлироқ.

*Шартнома тўзин.* Тўлов қилаётганда албатта расмий шартнома тузилганига ишонч ҳосил қилинг.

*Шарҳ ва тавсияларни ўқин.* Интернетдаги фикрлар, танишларингизнинг тавсияси ҳам муҳим.

*Рекламаларга ортиқча ишонманг.* «3 ойда мукамал тил билиш» каби ваъдалар асосиз бўлиши мумкин. Ҳар қандай тилни ўрганиш меҳнат ва вақт талаб қилади.

Тил ўрганиш нафақат шахсий етуликка эришишда, балки бутун жамият тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутаети. Шу боис биз чет тилларини ўрганиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интиламиш.

Меҳрибону АБДУРАҲМОНОВА,  
Тошкент кимё халқаро университети 1-курс талабаси

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 мартдаги ПҚ-103-сон қарори 10-бандига мувофиқ «Аёллар дастурига» киритилган ва ахтиёриманд хотин-қизларнинг Тошкент вилоятидаги дам олиш масканларида хориқ қириши ва уларга семинарлар ташкил этиш имкониятига эга бўлиши лозим. Саёхат ва семинар тадбирлари тасдиқланган Дастур асосида амалга оширилади.  
**Мурожаат учун телефон рақамлари:** (71) 256-54-69.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 24-уй.

Янгийўл туманидаги «RUSTAM AGRO MENERAL» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
ХК МЧЖ «TASFINANCE Mikromoliya Tashkiloti» юридик манзилли Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Минор» МФЙ, марказ 6-дахаси, Минор мавзеси, 90-уйга қўйирганини эълон қилади.  
«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан Йўлдашева Назимхон Қодир қизи номига берилган №317869 рақамли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*  
«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан 2015 йил 17 июнда Ташқулова Лайло Эргашева номига берилган №237056-сонли гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тўғрисида қасаба уюшмаси Наманган вилояти бирлашган кўмитаси ҳисобчиси Пазлиддин Сайдуллаевага онаси **Гавҳархон ЖАМБУЛОВА** вафот этгани муносабати билан ҳамдардик билдиради.



### Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги зиддият яна кучайди

Кашмирда 27 кишининг умрига зомин бўлган қуролли ҳужум оқибатида Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар яна кескинлашди. Ҳужум учун масъулиятни «Лашкари-Тайба» террорчи ташкилотига боғлиқ «Муқовамат fronti» гуруҳи ўз зиммасига олди.

Ҳиндистон ҳукумати бу воқеани террористик акт сифатида баҳолаб, айбни Кашмирда Ҳинд назоратига қарши курашаётган жангарилар зиммасига юкледи. Жавоб тариқасида Нью-Дехли Инд дарёсининг сувларидаги битимни тўхтати, Покистоннинг олий комиссиясидаги мудофаа бўйича маслаҳатчиларни персона нон грата деб эълон қилди ва барча покистонликларни мамлакатни тарк этишга чорлади.

Бунга жавобан Исломобод Ҳиндистон учоқлари учун ўз осмонидagi худудларни ёпди, ҳар қандай савдони тўхтати ва Покистондаги Ҳиндистон ҳарбий маслаҳатчиларини ҳам мамлакатдан чиқаришни талаб қилди. Шунингдек, Ҳиндистоннинг мудофаа, денгиз ва авиация соҳасидаги вакиллари ҳам персона нон грата деб эълон қилинди. Бу икки давлат ўртасидаги илк йирик бўҳрон эмас. 1947 йилда Британия Ҳиндистоннинг бўлиниши ортидан Ҳиндистон ва Покистон ўртасида уч марта тўлиқ уруш руй берган: Биринчи Кашмир уруши (1947-1949), Иккинчи Кашмир уруши (1965), Бангладеш мустақиллиги учун уруш (1971).

Мутахассислар икки ядровий давлат ўртасида дипломатик деэскалация механизмининг йўқлиги, ҳар қандай янги можаро нафақат минтақа, балки бутун дунё хавфсизлиги учун аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда.

# ЗОМИНДА ХАЛҚАРО БИЗНЕС-ФОРУМ

Зомин туманида икки кунлик «Халқаро бизнес-форум. Жиззах – 2025» тадбири бўлиб ўтди

## АНЖУМАН ДОИРАСИДА ВИЛОЯТНИНГ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ, САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

Вилоятнинг инвестиция салоҳиятини намоён этиш, тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш ва ишлаб чиқарувчиларнинг миллий кўргазмасини ташкил этишдан иборат бўлган тадбирларда 30 дан ортиқ мамлакатдан 300 нафарга яқин киши, шунингдек, чет эл дипломатик миссиялари вакиллари қатнашдилар.



Форум доирасида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотларнинг ишбилармон доиралари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, хорижий сармоядорлар ва тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулайликлар билан яқиндан танишдилар.

Мазкур халқаро анжуман вилоятнинг катта хомашё захиралари, қулай логистика инфратузилмаси, бой табиий ресурслари, ривожланаётган туризм сектори ва юқори инсон капитали каби устунликларини намоён этди. Бу эса, вилоятнинг хорижий ҳамкорлар билан инвестициявий ва савдо-иқтисодий алоқаларини мустақамлашга хизмат қилади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

### Нидерландия қироли: «Тинчлик учун тиш-тирноғимизгача қуролланишимиз керак»

Нидерландия қироли Виллем-Александр мамлакат янги таҳдидларга тайёр туриш, тинчлик ҳамда хавфсизликни сақлаб қолиш учун мудофаа салоҳиятини кучайтириши лозимлиги ҳақида баёнот берди.



«Биз тинч ва хавфсиз ҳаётимизни давом эттиришимиз учун чиндан ҳам тайёргарлик кўришимиз ва тиш-тирноғимизгача қуролланишимиз керак», деди монарх.

Қиролнинг таъкидлашича, Нидерланд жамиятида ва тинчлик узоқ йиллар ўз-ўзидан мавжуд абадий кадрнинг сифатида қабул қилиб келинган. Бироқ, унинг фикрича, ҳозирги геосиёсий вазият бундай қарашларни қайта кўриб чиқиш ва мудофаа масалаларига жиддий ёндашишни талаб қилмоқда.



Мазкур халқаро анжуман вилоятнинг катта хомашё захиралари, қулай логистика инфратузилмаси, бой табиий ресурслари, ривожланаётган туризм сектори ва юқори инсон капитали каби устунликларини намоён этди. Бу эса, вилоятнинг хорижий ҳамкорлар билан инвестициявий ва савдо-иқтисодий алоқаларини мустақамлашга хизмат қилади.

### Бамиён вилояти ОАВда тирик жонзотлар тасвири ёритилишини тақиқлади

Афғонистоннинг Бамиён вилоятида одамлар ва ҳайвонлар тасвири нашр қилиш ва эфирга узатиш расман тақиқланди. Бу ҳақда Афғонистон журналистика маркази (AFJC) хабар берди. Бамиён мамлакатдаги бу каби чеклов жорий этилган 15-вилоят бўлди.

Тақиқ 2025 йил 18 апрель кунини вилоят ҳокими Абдуллоҳ Сарҳадий раислигида ўтказилган йиғилишдан сўнг Ахлокни тарғиб қилиш ва бузғунчиликнинг олдини олиш вазирлиги вилоят бўлими томонидан тасдиқланган. Расмий фармойишга кўра, журналистларга ҳар қандай тадбир ёки йиғилишда фото ва видеога олиш ман этилди. Шунингдек, оддий фуқароларга ҳам ҳар қандай ҳолатда

бошқа шахсларни суратга олиш тақиқланди. «Фармон ахлоқни тарғиб қилиш тўғрисидаги қонуннинг 17-моддасига асосланган бўлиб, уни бузганларга нисбатан суд ишлари кўзатилиши таъкидланган», дейилади АФЖС баёнотида.

Маҳаллий ОАВлар ва халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари бу қарорни матбуот эркинлиги ва шахсий дахлсизликка қарши яна бир босим воситаси сифатида баҳоламоқда. Бу, айниқса, «Толубон» ҳукуматининг жамоат ҳаётидаги қондаларни тобора қатъийлаштириб бораётгани фониди хавотир уйғотмоқда.

# САМАРҚАНДНИ СОҒИНИБ КЕЛДИК

Касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган «Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳафталиги» доирасидаги тадбир иштирокчилари Самарқандда бўлишди.

– Тадбир доирасида касаба уюшмалари фахрийлари, Тошкент шаҳар ва вилояти мактабгача ва мактаб таълими тизимида ишлаётган ходимлар ҳамда Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг бир гуруҳ талабаларини Самарқандга икки кунлик саёҳатини ташкил этганмиз, – деди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мутахассиси Иззатилло Хожаев. Сафар мобайнида меҳмонлар Мирзо Улуғбек музейи, Хўжа Дониёр мақбараси, «Шоҳизинда» мезморий мажмуаси, «Боқий шаҳар», «Буюк Ипак йўли» туризм маркази, Амир Темур мақбараси, Бибиҳоним мадрасаси каби қадимжоларни зиёрат қилишди. Самарқандга икки йил аввал ҳам келгандим, – дейди касаба уюшмалари фахрийси Зоҳидхўжа Собирхўжаев. – Шу вақт ичида шаҳар тубдан ўзгарибди, ҳатто танимай қолдим.



Мирнодир МИРАКМАЛОВ олган сурат

Қалбларни тўлқинлантирган, ҳаяжонга тўла учрашув Регистон майдонида бўлди. Бу ерда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пайриқд тумани кенгаши раиси Абдужабборхон Нарзуллаев қаламига мансуб касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишланган китоб тақдими бўлиб ўтди. Муаллиф 1925 йилда ташкил этилган Пайриқдда дастлабки касаба уюшмалари ҳаракатига доир кўп изланишлар қилган. Китобда архив материаллари асосида ўтмишга назар ташланиб, соҳа фахрийлари, тизим жонкуярлари ҳақида сўз юритилган.

– Барчамизни ҳам руҳан, ҳам қалбдан бирлаштирган касаба уюшмаларига ташаккур, – деди учрашувда сўз олган касаба уюшмалари фахрийси Қодир Амиржонов. – Қўлчилгимиз шу тизимда узоқ йиллар фаолият юритдик. Меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қўлдан келганча ҳисса қўшдик. Меҳнатпаримиз самарасини кўриб, шундай файзли давраларда кўр тўқиб юрибмиз. Касаба уюшмалари тизимида тахсил олаётганимдан хурсандман, – дейди Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясининг 3-курс талабаси Барчиной Суянова. – Соҳа сирларини пухта ўлаштиришимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Демак, бизга билдирилаётган ишонччи оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилишимиз керак.

Нурбек ФАХРИДИНОВ

### Олимлар аҳолини Истанбулда ҳалокатли зилзила бўлиши ҳақида огоҳлантирмоқда

Мармара денгизи ҳудудида қутилаётган йирик зилзила бутун минтақа – жумладан, Истанбул, Бурса, Чаноққалъа, Текирдоғ, Хўжаэли ва Ялова учун ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳақда Истанбул шаҳар ҳокимлиги қошидаги олимлар кенгаши аъзоси, сейсмология профессорси Халук Зийидўғон маълум қилди.



«Биз фақат Истанбул ҳудудидаги зилзила эмас, балки бутун минтақани қамраб оладиган ҳалокат ҳақида гапирмоқдамиз. Бу зилзиланинг оқибатлари 25 миллиондан ортиқ аҳолига таъсир кўрсатади», деди у.

Бундан олдин турк сейсмологи Аҳмет Эржон Истанбулда қузатилган сўнгги силқинишлар магнитудаси 7-7,2 бўлган вайронкор зилзила хабарчиси эканини билдирган ва бу зилзила 2045-2075 йиллар оралиғида содир бўлиши мумкинлигини айтган эди. Истанбул шаҳар ҳокимлиги маълумотига кўра, агар магнитудаси 7,5 бўлган зилзила рўй берса, 90 мингдан ортиқ бино вайрон бўлиши мумкин, иқтисодий зарар эса, 325 миллиард доллардан ошади. Ҳокимият минтақада, айниқса, соҳилбўйи худудларда яшаётган фуқароларни табиий офатга тайёргарлик кўришига, зилзилабардош бинолар қурилишига эътибор қаратишга чақирди.

Азиз газетхон!  
Мароқли дам олинг!



Анвар Санаев  
ижросидаги  
«МУҲАББАТ»  
қўшиғи

Муҳаббат!  
Мен сени жонимдан севгандим.  
Муҳаббат!  
Мен сенга кўнглимни бергандим.  
Муҳаббат!  
Ёлғизим, севгилим дегандим.  
Сен менга вафо қилмадинг.

Оламгир ОТАЁВРов тайёрлади

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligidan 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:  
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие») Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-90) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70, Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93.

Navbatchi muharrir: Gulomjon Mirahmedov. Musahhih: Dilorom Xudoyberganova. Sahifalovchi: Hasan Abdullajlov. Boshiga topshirish vaqti - 22:50, Topshirildi - 23:10. Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 62 448 ta. Shundan: 6 257 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 276 nusxasi «Eradit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-411 1 2 3 4 5 6